

# ҚУШЛАРНИ ҚАНДАЙ КУЗАТИШ ЁКИ

## ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЯХШИ БЁДВОЧЕР БЎЛИШ МУМКИН



Ўзбекистон қушларни муҳофаза  
қилиш жамияти (UzSPB)  
«Муҳим орнитологик ҳудудлар» дастури (IBA)

**ҚУШЛАРНИ ҚАНДАЙ  
КУЗАТИШ ЁКИ  
ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЯХШИ  
БЁДВОЧЕР БЎЛИШ МУМКИН**

Тошкент, 2010

Қүшларни қандай кузатиш ёки қандай қилиб яхши бедвочер бўлиш мумкин. – 3-чи нашр. Тошкент: Ўзбекистон қүшларни муҳофаза қилиш жамияти, 2010. – 27 б.

Брошюра қүшларни кузатишни бошлиётганлар ёки бедвочерлар учун қўлланма. Унда кузатиш учун зарур анжом-аслаҳалар ҳақида, дала шароитида ёзувларни олиб бориш, кузатиш обьектлари сифатида қүшларнинг хусусиятлари ҳақида, шунингдек кузатувчиларнинг ўзини тутиш қоидалари ва кўплаб бошқа масалалар кўриб чиқилади. Қўлланма асоси Туркиянинг «Doga Derneği» Табиатни муҳофаза қилиш жамияти томонидан тайёрланган. Қозогистон биохилма-хиллигини сақлаш ассоциацияси (АСБК) ҳамда Ўзбекистон қүшларни муҳофаза қилиш жамияти томонидан бу қўлланма турк тилидан рус тилига таржима қилиниб, қайта ишланган ва тўлдирилган.

Тўлдириш авторлари – С.Л. Скляренко, О.Р. Кашкаров

Фотосурат авторлари – М.А. Кошкин, О.Я. Лукановский

Техник тўлдириш Э.Майер

Мұҳаррирлар – С.Л.Скляренко, В.В. Хроков

Ўзбек тилидаги матн мұҳаррири – А.А. Атаходжаев

Қўлланма Conservation Leadership Programme (CLP) маблағига босилган.

1-чи нашр – Алмати: АСБК, 2008

© Қозогистон биохилма-хиллигини сақлаш ассоциацияси (АСБК), 2008

2-чи нашр – Тошкент: UzSPB, 2009

© Ўзбекистон қүшларни муҳофаза қилиш жамияти (UzSPB), 2009

© Ўзбек тилига таржима – З. Ҳакимова, Н.Ҳакимова

## МУҚАДДИМА

Қушларни биз ҳамма жойда учратамиз. Қушлар ердаги хаёт гўзаллигининг ажойиб тимсолидир. Табиатда учрайдиган барча мавжудотлар ичida қушлар энг кўзга ташланадиганлариридир: улар кўп сонли, кўпинча ранг-баранг ва баланд мусиқий овозга эга. Барча умуртқали жониворлар ичida қушлар ҳаммадан кўп завқ бағишлади, улар ҳаммадан кўп ўрганилади ва муҳофаза қилинади. Сон жиҳатидан улар умуртқалилар ичida балиқлардан кейин туради ва ер шарининг деярли ҳар жойида учрайди. Ерда қушлар учрамайдиган ягона жой – бу Антарктиданинг марказий қисмидир. Баъзи қушлар ўттиз метр ва ундан кўп чуқурликка шўнгиди, ҳатто балиқларнинг яшаш муҳитига ҳам бостириб киради. Ҳозирги кунда қушларнинг 9 мингдан ортиқ тури яшайди, бироқ уларнинг кўпчилиги ҳақиқий хавф остида, баъзилари эса бутунлай Ер юзидан йўқолиб кетди.

Кўп жойларда, айниқса Европада, қушларни дурбин билан кузатаётган одамларни ё бўлмаса бутун гурухларни учратиш мумкин. Улар қушларни кузатишга бўш вақти, кўпинча эса катта маблағларини сарфлаб, ўз юртларида, баъзида эса бутун дунё бўйлаб саёҳат қилишади. Улар тинмасдан дала ва ўрмонларни, дарё ва кўлларни сақлаб қолишига ҳаракат қилган ҳолда, қушларни кузатадилар ва табиат овозини тинглайдилар. Улар хукуматнинг атроф муҳит, ҳамда, ҳайвонот оламига тегишли бўлган қонун ва қарорларини кузатиб, биологик хилма-хиллик муҳофазасини яхшилаш бўйича ўз таклифларини киритадилар. Улар кимлар? Улар – БЕДВОЧЕРЛАР.

Бедвочер – сўзма-сўз “куш кузатувчиси” деб таржима қилиниши мумкин бўлган, ҳамма қабул қилган инглиз тилидаги «birdwatcher» атамасининг («bird» – қуш, ва «watch» – кузатувчи) ўзбек тилига оддий транслитерациясиридир. «Орнитолог» касб белгиланиши сифатида ишлатилади, бу ерда эса қушларни кузатиш улар учун хобби бўлган инсонлар ҳақида гап боряпти. Шунинг учун немис ва французлар, испан ва японлар, умуман олганда бутун дунё бедвочерлари каби қисқа ва жарангдор «бедвочер» сўзини ишлатамиз!

Бедвочерлар қушлар хаётини кузатиб, уларнинг яшаш жойларини асраб, улар билан мулокотдан хузур олишади. Муҳим орнитологик худудларни ўрганиши (IBA) ва у ерларда яшайдиган қуш турларини ҳимоя қилиш ҳамда муҳофаза қилиш бўйича чоралар кўриш – бу бедвочерларнинг асосий мақсади.

Нима учун ҳаваскор-орнитологлар ҳақида гап боряпти? Наҳотки ўрганиш ва муҳофаза қилишни профессионаллар уddyдлай

олмаяпти? Албатта, улдалашяпти. Ахир, масалан, Козогистон, Ўзбекистон, Туркманистон каби мамлакатлар Европа ўлчамларига кўра жуда катта худудларга эга, профессионал орнитологлар эса нари борса ҳар биттасида йигирматадан. Улар жисмоний жиҳатдан у ёки бу турнинг аҳволини тўлиқ баҳолаш, у ёки бу худуднинг муҳофазаси бўйича тезкор қарорлар қабул қилиш ва бошқа нарсалар учун зарур бўлган маълумотларни ўз вақтида ололмайдилар. Европада сўнгги ўн йилликлардаги қушлар билан боғлиқ барча лойиҳалар, масалан “Европада қушларнинг тарқалиши Атласи” каби лойиҳалар бедвочерларнинг кенг иштироқида бажарилди. Айнан ҳаваскорларгина, орнитологларнинг услубий қўллаб-куватлашида, қушларни бирйўла шаҳар ёки ҳатто мамлакатнинг бутун худудида бир вақтнинг ўзида ҳисобга ола оладилар. Ҳар ким – талаба ва ўқувчи, ҳайвонот олами муҳофазаси инспектори ва ўқитувчи, ўрмон назоратчиси ва фермер бундай ҳаваскор-орнитолог, қуш кузатувчиси бўлиши мумкин. Бундай инсонларни куйида «бедвочерлар» деб атаемиз.

«Қушларни қандай кузатиш керак, ёки қандай қилиб яхши «бедвочер» бўлиш мумкин? Бу кичик қўлланма шу саволга жавоб топишингизга ёрдам бериш учун ишлаб чиқилган. Энди бошлаётан бедвочерлар учун у қизиқарли ва керакли бўлади деб умид қиласиз. Қўлланма 25дан ортиқ бедвочерлар клуби мавжуд бўлган Туркияning «Doga Dernegi» Табиатни ҳимоя қилиш жамиятининг тажрибали бедвочерлари фаол ёрдамида ишлаб чиқилди. Қозогистон биохилмасиллигини сақлаш ассоциацияси (АСБК) ҳамда Ўзбекистон қушларни муҳофаза қилиш жамияти томонидан бу қўлланма турк тилидан русчага таржима қилиниб, анча тўлдирилган. Унинг босилиши Rufford фонди маблағига амалга оширилган.

Бу қўлланма фақат ёрдам берувчи қўлланмадир, чунки яхши бедвочер бўлиш тўлалигича фақат ўзингизга боғлиқ. Қушларни ҳимоя қилиш ва атроф муҳитни сақлаш ўз қўлимизда! Бизга қўшилинг!

## АНЖОМ-АСЛАХА

Энди бошлаётан бедвочерга бирйўла барча мумкин бўлган оптик анжом ва экипировка – дурбин, кўриш трубаси, фотоаппарат, дала аслаҳаси ва ҳ.к. зарур деб ўйлаш керак эмас... Амалда аксинча – бунинг учун кўп анжомлар керак эмас. Уларнинг сони бедвочернинг қизиқишлирага боғлиқ. Бироқ, биринчи навбатда, бедвочерда дурбин, кушлар аниқлагиши ва дала кундалиги бўлиши керак.

### Дурбин



Дурбиндан қандай фойдаланиш керак? Дурбиндан фойдаланишдан аввал окулярлари орасидаги масофани кўзингиз орасидаги масофага тўғрилаш керак, сўнг ҳар бир окуляр равшанлигини кўзингизга мослаш керак. Буни дурбин турига кўра ҳар хил бажариш мумкин.

Кўп дурбинларда чап окуляри маҳкамланган, ўнг окулярини эса чап ва ўнг кўзларнинг кўриш қобилияти орасидаги мумкин бўлган фарқни тўғрилаш учун айлантириш мумкин (кўриш қобилияти бир хил бўлса, кўрсаткичи «0»га кўйилади). Бирламчи текшириш ва созлаш учун бир вақтнинг ўзида дурбин марказидаги равшанлик ростловчисини созлаган ҳолда, дурбинни ўзингиздан 25-30 метр узоқлиқдаги аниқ предметга қаратиб, ўнг кўзингизни юминг ва чап линзага қаранг. Сўнг чап кўзингизни юминг ҳамда дурбинни ўша объектнинг ўзига қаратиб ва окулярни айлантириб – равшанлик ростловчисига тегмаган ҳолда! – аниқ тасвир пайдо бўлгунча ўнг линзага қаранг. Кейин иккала кўзингиз билан қаранг ва, равшанлик нормаллигига ишонч хосил қилиб, ўнг окуляр кўрсаткичидаги рақамларни эслаб қолинг (бирйўла эса окулярлар орасидаги масофа кўрсаткичидаги рақамларни ҳам, агар улар ушбу моделда мавжуд бўлса!). Кейинчалик фақат улар сурилиб кетмаганинги текшириб туринг ва, фақат равшанликнинг марказий мўлжалидан фойдаланган ҳолда, кузатинг.

Кўп қиммат моделларда окулярларнинг ўзи ҳаракатсиз, ва уларни созлаш учун дурбин марказидаги икки қисмдан иборат равшанлик ростловчисини бўшатиш (“чиқ” этган товуш эшитилгунча бир оз чўзиш)

керак. Сүнг чап ва ўнг кўзларингиз учун ўша процедурани тақорорланг – аввал, бир вақтнинг ўзида равшанлик ростловчисининг унга тегишили қисмини созлаган холда, чап линзага қаранг, кейин эса ростлагичнинг иккинчи ярмини айлантириб, ўша предметга ўнг линзани тўғриланг.



Сўнг иккала кўзингиз билан қаранг ва, тасвирнинг умумий равшанлиги яхшилигига ишонч хосил қилиб, ростлагич қанотларини орқага маҳкамланг (бирга сиқинг). Кейинчалик ростлагични яхлитлигича айлантиринг ва кузатинг!

Зарур бўлса дурбинни созлашда бир неча бор машқ қилиб кўринг.

Кўп дурбинлар тасма билан бирга сотилади. Вақт ўтиши билан дурбиндан тез-тез фойдаланганда тасма эскиради ва уни алмаштиришга тўғри келади. Тасма танлаш, дурбин танлаш каби, ҳамманинг ўз дидига хос. Капрон тасмалар энг чидамли ҳисобланади, кимдир эса анъанавий чарм тасмаларни афзал кўради. Тасма узунлигини дурбин таҳминан кўкрак даражасида турадиган қилиб тўғрилаб кўйган яхши.

Дурбиннинг қўшимча аксессуарларидан бири бу окулярлар учун ёмғирдан тўсадиган қопқоқ. Бу қопқоқчалар линзаларга маҳкамланади, уларни ёпиб, шу билан ифлосланиш ва шикастланишдан сақлади. Кузатиш вақтида қопқоқлар сизга халақит бермаслиги учун дурбин тасмасининг четига улар учун қўшимча чарм тасма тикиб кўйиш мумкин. Шуни билингки, тасма жуда калта бўлса, қопқоқлар бурнингиз устига тушиб халақит бериши мумкин. Олинган каучук ва пластиқдан тайёрланган қопқоқлардан фойдаланишда юзага келадиган муаммолардан бири дурбинни ғилофига жойлаётганда улар халақит бериши мумкинлиги.

Айрим бедвочерлар кўзойнак тақади ва дурбинга улардан қарайди. Бундай инсонлар учун кўп дурбинларда маҳсус окулярлар кўзда тутилган. Гап шундаки, меъёрда окуляр линзалари чукур жойлашган бўлиб, туртиб чиқкан чеккалари кўз ва линза орасидаги доимий оптимал масофани таъминлайди – у таҳминан кўз ва кўзойнак линзалари орасидаги масофага мос. Маҳсус окулярларда бу туртиб чиқкан қисми сурилувчан ва таҳланиши мумкин, унда кўзойнак деярли линзаларга тақалади ва уларни ечмаса ҳам бўлади.

Бундай функция асосан каучук қопламли дурбинларда мавжуд. Бундай имконият бўлмаган холда, бедвочер кўзойнагини ечишига

түгри келади. Бу вақт олади ва күпинча қуш құздан йүқолишига сабаб бўлади.

Йўлда олиб юрган вақтдан ташқари ҳеч қачон дурбинни ғилофида ушламасликка ҳаракат қилинг! Ахир энг қизик қушлар айнан дурбинингиз бўлмагандан ёки уни ғилофидан чиқараётганингизда учиб кетади. Дурбинни ҳар доим қўл остида ушланг ва сиз ҳеч нарсани ўтказиб юбормайсиз!

Имкон қадар, дурбин учун яхши тиргак яратинг, масалан, тиззангизни кўкрагингизга тақаб, чўккалаб ўтиринг ва тирсагингиз билан тиззангизга тираннинг ёки тош ё дараҳт танасига суюнинг. Шундай қилиб сиз тебранишларнинг олдини оласиз.

Учиб кетаётган қушни дарҳол мўлжалга олиб, уни ҳаракатда кузата олмасангиз хафа бўлманг. Дурбиндан бирйўла ҳамма қушларни яхшилаб кўришга ҳаракат қилманг. Барчаси вақт ва тажриба билан келади. Сабрли бўлинг.

Доим тайёр бўлиб туринг. Атрофдаги ҳар бир ҳаракатни кузатинг. Атрофингиздаги ҳамма нарсани дурбин ёрдамида кузатинг: дараҳтларни, осмонни, сув ҳавзаларини. Қушларнинг кўп ҳар хил турларини кўришингизга ишонинг.

## Қушлар аниқлагиҷи

Сизга унча таниш бўлмаган қушни фақат ўз кўзингиз билан кўриб, яхшилаб кузатиб, унинг аниқлагиҷдаги тасвири ва таърифи билан солиштирибгина ҳеч шубҳасиз аниқлаш ва эслаб қолишингиз мумкин. Ва, ҳар хил турларни ажратиб турадиган белгиларини солиштирган холда, бир неча бор эътибор билан кўриб чиққандан сўнг, сиз бирмунча ишонарли даражада бу турни аниқлай оласиз. Агар тур сиз учун мутлақо янги бўлса, аниқлагиҷсиз ишингиз битмайди.

Қуш аниқлагиҷи бир-бирига жуда ўхшаш қушларнинг турини аниқлашда қийинчилик туғилганда ҳам бедвочерга зарур. Одатда аниқлагиҷ бетларida тур ҳақида кўшимча маълумот ҳам топиш мумкин – масалан унинг яшаш жойи, феъл-атвори, овози, уя қуриш жойи ва ҳ.к. Аниқлагиҷдан фойдаланиш бўйича батафсил маслаҳатлар одатда ҳар доим унинг кириш қисмида келтирилади.

Ҳеч бўлмаганда уйда бир нечта аниқлагиҷ бўлгани яхши. Саёҳатда одатда биттасидан фойдаланилади, бироқ унга кўра қушни ишонч билан аниқлаб бўлмаса, тур тасвири ва таърифини иккинчисидан ҳам, учинчисидан ҳам кўриш мумкин. Уларда матнлар ҳам, тасвиirlар ҳам, географик қоплам ҳам турлича. Китоб авторлари овози ва рангининг ҳар хил деталларига, умуман, бир неча манбадан олинган мажмуи натижада кутилган ва ишончлироқ натижага бериши мумкин бўлган ҳар хил аниқловчи белгиларига эътибор бериши мумкин.

## **Дала кундалиги**

Дала кундалиги дурбин ёки аниқлагич каби зарур буюм ҳисобланади. Ҳақиқий бедвочерга дала кундалиги биринчи навбатда зарур. Кузатув олиб боришнинг биринчи кунларидан бошлаб хотира учун ёзувлар олиб бориш бедвочер ишининг ажралмас қисми ва яхши одат бўлиши керак. Дала кундалиги ҳар доим ёнингизда бўлиши керак. У кичикроқ бўлгани ҳамда сифатли материалдан тайёрланган бўлгани маъқулроқ. Жилди факат елимланган бўлмай, балки тикилган ёки бириктирилган бўлиши зарур.

Дала кундалигига бедвочер учраган қуш турлари тўғрисидаги маълумотларни ёзиши, уларнинг таърифини тузиши, саёҳатдаги ўз таассуротларини ёзиб бориши мумкин ва ҳ.к. Бу маълумотларни кейинчалик карточкаларга ёзиб олиш, компьютер базаларига киритиш, кейинги кузатувлар учун, бошқа бедвочерлар билан маълумот ҳамда тажриба алмашиш учун, энг қизиқарлиларидан эса – ҳисботлар босиб чиқариш, маҳсус нашрларга хабар ва мақолалар тайёрлаш ва ҳ.к. учун фойдаланиш мумкин. Маълумотлардан фойдаланиш мумкин бўлиши учун улар маълум талабларга жавоб бериши керак.

Дала кундалигига биринчи навбатда албатта кузатув санаси, жойи, вақти ва иштирокчилари, шунингдек саёҳат вақтидаги об-ҳаво (ҳарорат, шамол, булутлилик, ёғингарчиликлар) тўғрисида маълумотлар бўлиши керак. Шунингдек бедвочер кундалик дафтарга унга учраган қушлар, уларнинг тури ва сони ҳақидаги маълумотларни киритиши керак. Бирон-бир турни аниқлашда қийинчилик туғилса, кундалик дафтарга унинг таърифини, асосий белгиларини ёзиб кўйиш керак. Бу ёзувларнинг барчаси қуш турларини батафсилроқ ўрганиш ҳамда уларни тўғри аниқлаш учун зарур. Умуман, ёзувлар ҳажми сизнинг вазифа, истак ва тайёргарлигингизга боғлиқ.

Кузатув жойини қандай кўрсатиш керак? Биринчи навбатда, бирон жойга – ўрмон, кўл ва ҳ.к., сўнг эса харитада олдиндан кўрсатилган объектга боғлаш керак. Масалан – «Олмазор қишлоғидан жануби-ғарбга 5 км да, Қорасув дарёсининг ёқасида, Тўдакўл сув омборидан шимолга 15 км да» ва ҳ.зо. Агар сизда GPS (координатларни аниқлаш учун асбоб) бўлса, координат нуқталарини ҳам кўрсатинг. Бироқ, шуни назарда тутингки, жойнинг сўз билан таърифланиши бари бир шарт, чунки, биринчидан, координатларни хато билан ёзиш мумкин, иккинчидан эса, кейин кузатувчининг ўзига бўлган жойини харитадаги нуқталарни қидириб, иккинчи марта таърифини ёзгандан кўра ёзувларни ўқиб чиқиш осонроқ.

Кундалик дафтарга нима билан ёзиш керак? Энг қулайи – оддий юмшоқ ва ингичка ёзадиган шарикли ручка. Биринчидан, запас ручка

(улар йүқолиш хусусиятига эга), иккинчидан эса, ва бу жуда мұхим, қора қалам (қаттықлигига күра ТМ ёки НВ яхшироқ) эсингиздан чиқмасын. Қора қалам билан, агар керак бўлса, хомаки расмлар чизиш қулайроқ, ва у ҳеч қачон ишдан чиқмайди! Ручка ҳар доим музлаб қолиши, чанг бўлган ёки ифлосланган қофозда ёзмай қолиши мумкин ва ҳ.к. Агар қалам билан ёзишга тўғри келса – варақнинг фақат бир томонига ёзинг, акс ҳолда матн суркалиб кетади.

Кўпчилик бедвочерлар учун кундалик дафтар олиб бориш сермашақат жараён бўлиб туюлишига қарамасдан, дала кундалигига маълумот ёзишни одат қилиш бедвочерга тезроқ ўрганишга ҳамда ўзининг яхши маълумотлар базасини яратишга ёрдам беради.

## Кўриш трубаси



Кўриш трубасидан қандай фойдаланиш керак? Ўз кузатишлиарида дурбиндан фойдаланишга ўрганганлар учун кўриш трубасидан фойдаланиш (бошқачасига уни телескоп дейишади) мураккаброқ бўлиб туюлиши мумкин. Қандай бўлмасин, бир марта кўриш трубасидан фойдаланиб, сиз бошқа усиз юра олмайсиз, бепоён сув ҳавзаларида эса унга тенги топилмайди. Бироқ кўриш трубаси ҳеч қачон дурбин ўрнини боса олмайди.

Трубаларда окулярлар йўналиши тўғри (трубанинг бўйлама ўқи билан мос тушадиган) ёки 45% бурчак остида бўлади. Қандай труба танлаш керак? Кўйидагиларни назарда тутган ҳолда, ўзингиз ҳал қилинг. «Тўғри» окулярдан горизонтал ёки бироз қия йўналишда қараш қулий, бунинг учун бошни энгаштириш керак эмас, сиз тўғри олдингизга қарайсиз, объекtnи осонроқ топасиз. Агар окуляр юқорига бурчак остида йўналтирилган бўлса, сиз бемалол юқорига, осмонга қарашингиз мумкин, тўғри окулярда эса бу қийинроқ; ҳамда бундай окулярли труба учун штативни камроқ кўтариш керак; бироқ бошида объекtlарни топиш бироз қийинроқ бўлиши мумкин. Умуман, бу ҳар кимнинг дидига боғлиқ, бироқ агар сиз тоғларда тез-тез бўлсангиз ёки осмонда парвоз қиладиган йиртқич қушлар билан қизиқсангиз – бурчакли окуляр шубҳасиз афзалроқ. Ва, албатта, катталаштириши

ўзгарадиган окуляр анча кулай. Энг кўп учрайдиган комбинациялар – 20-40 баравар ва 20-60 баравар.

Кўриш трубасидан фойдаланганда доим штатив (учоёқ) ишлатишига ҳаракат қилинг. Бу тебранишларнинг олдини олади ва кўриш трубасига барқарорлик беради. Трубани доим штатив билан бирга сотиб олинг – штативсиз унинг фойдаланилиши чекланган. Ёмон лиқиллаб қолган штативли жуда яхши труба ҳам фойдаланиш учун деярли яроқсиз.

Кўриш трубасидан фойдаланганда энг аввало штатив бедвочер бўйига мослаштирилишига эътибор қаратиш лозим. Агар окулярга қарашиб учун жуда паст эгилишингизга ёки оёқ учидаги туришингизга тўғри келса, бу ноқулай бўлиб, тез чарчашингизга сабаб бўлади ва кузатиш сифатини пасайтиради. Гоҳида гуруҳ бўлиб кузатишда буни бартараф этиб бўлмайди, чунки кўриш трубасидан бирйўла бир нечта бедвочер фойдаланганда, штатив уларнинг энг паст бўйлигига мослаштирилади.

Кўриш трубасидан кузатаётганда иккинчи (бўш) кўзингизни қисмасликка ҳаракат қилинг, шунда сиз камроқ чарчайсиз. Агар жуда ёруғ нур тушса, қўлингиздан окуляр учун соябон сифатида фойдаланинг.

Кўриш трубасини қушга тўғрилашдан аввал дурбинсиз кўз билан олдин унинг ёнида турган бирон-бир предметни мўлжалга олинг. Кўпчилик кўриш трубаларида чапда ёки юқорида керакли йўналишда мўлжалга оловчи, милтиқ прицелига ўхшаш ёрдамчи шкала бор. Агар трубадаги катталиштиришни ўзгартиришни иложи бўлса, қидириш вақтида аввал кўриш майдонини кенгайтириш учун уни минимал қилиш, сўнг эса имкон қадар ва исталганча тасвирини катталаштириш мумкин.

Умуман, труба ҳам, дурбин каби, ўзингизни бўлгани яхши, чунки унга ҳам ўрганиб қоласиз ва керакли объектларни жуда тез топа бошлайсиз.

Совуқ туманли ҳавода кўриш трубаси билан айрим муаммолар туғилиши мумкин. Кўриш трубаси линзалари терламаслигига эътибор бераб тулинг, акс холда энг керакли вақтда сиз ундан фойдалана олмайсиз.

Кичик ва жуда тез ҳаракат қиладиган қушларни кузатганда дурбиндан кўриш трубасига ўтганда тез ҳаракат қилиш кераклигига эътибор беринг. Вақтингиз жуда кам бўлганлиги туфайли аввал дурбиндан фойдаланинг.

Кўриш трубасини ўрнатиш ортиқча вақт олмаслиги учун бирор нарса кўришни мўлжаллаётган жойингизда уни олдиндан штативга бириктиринг ва шундай холатда кўтариб юринг. Бироқ зарурат бўлмагандан труба ва штативни алоҳида олиб юрганингиз маъқул, чунки штатив бириктирилган трубани узоқ вақт транспортда олиб юрганда труба маҳкамланадиган платформа синиб қолиши мумкин.

Штатив оёқлари аниқ ва маҳкам қайд қилинган, қаттиқ ерга тирилган ёки билқиллоқ ерга бироз чўқтирилган бўлишига эътибор беринг. Акс холда кўриш трубаси ағдарилиб тушиши мумкин ёки кузатиш вақтида штатив оёқлари сирғаниб кетиши мумкин. Трубани штативда қаровсиз қолдирманг – у ағдарилиб кетиши мумкин, масалан, қаттиқ шамолдан. Ёмғирли ҳавода ёки кўриш трубасидан фойдаланмаган вақтингизда уни ва окуплярларни ғилофларида сақлашга ҳаракат қилинг.

Кўриш трубасидан штативда фойдаланиш қушларни узоқ вақт кузатиш учун энг яхши усул. Бу сизга маълум бўлган қушни яхшилаб кузатишга ёрдам берибгина қолмай, балки қушларни бошқа бедвочерларга ҳам кўрсатишга имкон беради.

### **Қушларнинг овози ҳамда тасвири ёзилган CD-дисклар**

Сиз энди қуш аниқлагичи билан танишсиз ва дурбиндан зўр фойдалана оласиз деб фараз қилайлик. Ҳеч иккимасдан ўзингизни мукаммал бедвочер деб ҳисоблаш учун яна қандай кўнижмаларга эга бўлишингиз керак?

Баъзида қушларни сайраши ва овозидан ҳам турларини аниқлаш мумкин. Масалан айрим турлар – пеночкалар – учун аниқлашнинг бу усулидан фойдаланиш, ташки кўринишга қараб аниқлашдан осон ва ишончлироқdir. Қушлар кўп бўладиган ва уларни кўриш қийин бўлган, ҳар бири ўзгача сайрайдиган ўрмонларда, овозлар бўйича аниқлаш айниқса муҳим, бироқ жуда мураккаб ҳам. Албатта, сиз ҳар бир қушни кўриб, аниқлаб, унинг овозини эслаб қолишига ҳаракат қиласиз. Овозни кундалик дафтарда куйининг тузилиши, товуш кўтарилиши ва пасайишини кўрсатган холда, таърифлаган яхши. Овозларни тезроқ ва муваффақиятлироқ ўзлаштириб, эслаб қолиш учун эса қушлар овози ёзилган CD-дисклар катта ёрдам бериши мумкин. Қушлар овозининг электрон вариантини Интернетда топиш ёки бедвочерлар ташкилотида олиш мумкин.

Қушлар овозини ўрганиш учун фақат битта CD етарли эмас, бу фақат ёрдамчи материаллигини ёдингизда тутинг. Олинган билимларни ҳар сафар амалиётда мустаҳкамлаш зарур. Қушлар овози ёзилган кўп CD Европада ёзилган. Маълумки, сайроқи қушларнинг кўп турларида сайрашнинг кучли географик ўзгарувчанлиги мавжуд, шунинг учун сизнинг худудингиздаги қушлар овози ҳар доим ҳам CD ёзувлари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.

Қушларни аниқлашда, айниқса кўриш кутилаётган турлар тўплами бўлган сиз учун янги худудга боришга тайёргарлик кўрилганда ҳам қушлар ташки кўринишининг фотосуратлари ҳамда таърифи бўлган CD ва видео жуда фойдали бўлади.

## **Кийим**

Спорт ёки хобби каби, бедвочерлар фаолиятида зарур анжом ва кийим күзда тутылади ҳамда талаб қилинади. Күшларни кузатиш вақтида кийимдаги ҳар қандай қулайсизлик сизни асосий мақсаддан чалғитиши мумкин. Кийим рангини танлаш ҳам жуда муҳим, чунки кийим күркитиб юборадиган ёки яшириб турадиган бўлиши шунга боғлиқ.

**Камуфляж.** Күшларнинг кўриш қобилияти жуда яхши. Агар сиз қушни кўраётган бўлсангиз, у ҳам сизни кўриш эҳтимоли катта. Күшлар рангларни ҳам ажратади. Шунинг учун кузатиш вақтида кўзга ташланмайдиган, табиийга яқинроқ рангдаги кийим кийган маъкул. Шунда сиз унча кўринмайсиз ва қүшлар эътиборини тортмайсиз.

Бир нуқтадан бирмунча давомли кузатишлар олиб бориш учун атрофингизга қаранг ва қүшларни безовта қўлмасдан уларни кузатиш мумкин бўлган биронта хилват жой топинг. Кўпчилик табиатшунослар ва суратчи-анималистлар яширин-палаткадан (палатка-скрадка) фойдаланади (энг қулайи енгил, кўчмалари) ёки шох ва ўтлардан чайла қуради. Қолаверса, сўнгги холда ландшафтга мослашган, олабула қилиб бўялган, зарур бўлгандан шохлар ва ҳ.к. билан қўшимча пана қилинган паст палатка ҳам кулай. Бундай пана жойларда кузатув олиб бориб, қүшларни мутлақо безовта қўлмаган холда уларни табиий муҳитда фото ва видеосъемка қилиб, бир неча кунгача яшаш мумкин. Айтгандай, худудга мос ранглардаги оддий ҳарбий маскхалат жуда яхши натижалар беради. Бироқ буларнинг барчаси маҳсус кузатув ҳамда съёмкалар учун керак; агар сиз оддий саёҳат қилаётган бўлсангиз ёки қүшлар сонини ҳисобга олаётган бўлсангиз – оддий кўзга ташланмайдиган кийимда бўлсангиз ҳам бўлади.

Кузатиш вақтида атроф мухит шароитига мос кийим кийиш жуда муҳим.

**Кийим қўйидагича бўлиши керак:**

- иссиқ
- енгил
- иҳчам
- ҳаво ўтказадиган
- ҳаракатни қийинлаштирумайдиган
- осон ечиладиган
- кўзга ташланмайдиган
- сув ўтказмайдиган
- тез қурийдиган

«Дала» кийими учун анъанавий материаллар – пахта, синтетика, жун. Пахтадан тикилган кийим «нафас олади» ва шинам, у иссиқ

ҳавода жуда кулай. Унинг камчилиги шундаки, у узоқ вақт қурийди, шунинг учун совуқ нам ҳавода синтетика ёки жун афзалроқ. Жун – ҳам анъанавий табиий материал; жунли кийим хўл бўлганда ҳам ўз хусусиятларини йўқотмайди ва қисман иссиқни сақлаб қолади. Жун пахтага қараганда камроқ намлик кўтаради, у тез хўл бўлмайди ва секин қурийди. Ҳозир пахта каби, жуда яхши замонавий «нафас оладиган» синтетик материаллар мавжуд, улар енгил, иссиқ, тез қурийдиган. Шунинг учун синтетика кўпроқ ишлатилмоқда. Умуман, саёҳат учун кийимни спорт ёки овчилик дўконларидан излаган яхши. Бироқ, ифлос қилишдан кўркмайдиган оддий кенг шим ва куртка ҳам кийсангиз бўлади. Муҳими – қулайлик!

Бедвочер экипировкаси принципи – бу КАРАМ ПРИНЦИПИ – бир нечта свитер ҳамда енгил куртка, битта кўйлак ва шубадан яхшироқ. Умуман, устингизда қанча кўп кийим бўлса, шунча яхши Бу ҳароратни осон тўғрилашга имкон беради – сиз исиб кетмайсиз ва совқотиб ҳам қолмайсиз. Айниқса бу об-ҳаво баъзида саноқли дақиқаларда ўзгарадиган баланд тоғларда муҳим.

Бош ва бўйин – бу инсон танасининг энг юқори иссиқлик ажратиб чиқарадиган қисмларидир. Шунинг учун қишида иссиқ шарф ва шапка кийиш ниҳоятда зарур. Бу оёғингизга ҳам тегишли – оёғингиз қанча иссиқ ва ҳар жиҳатдан қулай бўлса, соғлигингиз учун шунча хавфсизdir.

Узоқ вақт давом этадиган сафарларда узун ва ҳаво ўтказадиган пайпоқ кийиш зарур, ёнингизда камида бир жуфт запас пайпоқ бўлгани маъкул. Шунингдек йилнинг иссиқ вақтида баъзи эҳтиёт чораларига риоя қилиш зарур. Соябонли ёки кенг ҳошияли бош кийимини кийган маъкул. Кўзни ҳимоя қилиш учун қуёш нуридан сақлайдиган кўзойнак тақиши мумкин; баланд тоғда, очиқ ҳавзалар ёнида қуёшли кунларда ёки қишида кўзойнак жуда зарурдир. Бўйин ҳимояси учун – енгил рўмол; офтобда куйишнинг олдини олиш учун (айниқса шаҳарларларга...) дастлаб қўл, тирноқ ва юзга офтобда қорайишдан ҳимояловчи крем суртиш маъкул.

Қулай оёқ кийими танлаш бедвочер учун жуда муҳим ҳисобланади. Тупроқ қанчалик қаттиқ бўлса, оёқ кийимингизнинг тагчарми шунчалик дағал бўлиши керак. **Оёқ кийими** қуидагича бўлиши керак:

- ўлчам бўйича
- тагчарми қўйма, йўғон ва чивиқли
- унда оёқ мустаҳкам бўлиши учун, тўпиғдан баланд (айниқса тошлоқ ерда)
- баланд ботинкада тилчасининг четлари унинг корпусига бириктирилган
- ортопедик патакли.

**Рюкзак-сумка** бедвочер учун муҳим аксессуар. Бу кийим, қопкўрпа, идиш-товоқ ва озиқ-овқатларни олиб кетаётган рюкзагингиз эмас, балки экскурсиялар учун мўлжалланган кичкина рюкзак. Бироқ, у барибир, ичига куртка (ёки эҳтиетдан олинган плаш), таърифнома, термос, бир неча бутерброд ва бошқа керакли майдა-чўйдалар сиғадиган катталиқда бўлиши керак. Бу, қўллари деярли ҳар доим банд бўлган бедвочер учун жуда муҳимдир. Рюкзак сув ўтказмайдиган ва пишиқ материалдан бўлиб, албатта иккита тасмали бўлиши керак (спорт сумкаларидан фарқли равишда); чўнтағи қанча кўп бўлса, шунча яхши. Агар сиз нисбатан узоқ сафарга чиқаётib, ўзингиз билан кўп нарса олсангиз –кatta рюкзак ёки жамадон ҳам олинг, бироқ, кичик «маршрут» рюкзагисиз барибир бўлмайди.

## КУЗАТИШ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА ҚУШЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Айнан улар туфайли қушлар ўзига эътиборни тортадиган шу хусусиятлари – уларнинг кўп сонлилиги, ҳаракатчанлиги, кўзга ташланиши ва турли товуш чиқара олиши – қушларни ўрганиш объекти сифатида, кўпроқ яширин ҳаёт кечирадиган, амфибиялар, судралиб юрувчилар ва сут эмизувчилардан фарқлайди. Саёҳатларда одатда қушлар биринчи бўлиб кўзга ташланади, уларнинг қичқириқ ва сайрашлари узоқдан эшитилади. Қушларнинг ҳаракатчанлиги, бир тарафдан уларни билинарли қилади, бироқ, иккинчи тарафдан уларни узоқ кузатишга тўсқинлик қилади ва кузатувчини эпчиллик намойиш этишга мажбурлайди. Катта ёшдаги қушлар ўзини озгина, бор-йўғи бир неча дақиқа, учганда эса бундан ҳам кам вақт кўришга имкон беради. Қисқа вақт ичida, ҳақиқатдан ҳам, қушни кўз билан топиш, уни ташки кўринишини яхшилаб кўриш, тури, ёши ва жинсини аниқлаш ва феъл-авторининг хусусиятларини белгилаб олиш қийин. Бунинг устига қушлар жуда эҳтиёткор бўлиб, яқинига йўлатмайди. Ҳатто масофадан ўзини яхшилаб кўриб олишга ҳар доим ҳам имкон бермайди. Одатда улар одам борлигини сезмаганда, уларни яхшилаб кўриб олиш мумкин. Бунинг учун, сайдра иложи борича кўпроқ кўриш ва эшитиш учун, биринчи навбатда ўзингиз камроқ кўриниб овоз чиқармаслигингиз керак. Гуруҳ сайдларида сукунат сақлаш анча мураккаб, бироқ бу жуда зарур. У ёки бу жойда қушнинг борлиги тўғрисида кўпинча унинг, фақат сайдра деб қабул қилиб бўлмайдиган, овозидан муҳокама қилишга тўғри келади. Қушларда ҳатто бир бирини кўрмай туриб, ўзаро сўзлашадиган кўп турли товушлари бор. Қушнинг овози – унинг ҳолатининг кўзгуси. Бирорта сигнал бера туриб, қуш мос равишда ўз турининг бошқа зотларини ё кўзғатади, ё тинчлантиради, ва бу билан,

ўзининг вазияти тўғрисида ҳабар беради. Бу “қушлар тили” – сигналлар тили. Чумчуқларда, масалан, ўртacha 20-25тагача сигнал бор, шунинг учун, сиз ҳамма вақт сизга янги бўлган товушларни эшитасиз.

Агар кўп қушлар патининг ранги жинси, ёши ва мавсумга кўра турли бўлишини ҳисобга олсак, табиатда қушларни ишончли аниқлаш учун, юқори малака зарурлиги маълум бўлади. Буни ҳар доим, ҳатто қушни яқин масофадан кўриш имконияти бўлганда ҳам, уддалаб бўлмайди. Гап шундаки, табиий шароитларда қуш патининг рангини ажратиш қийин, айниқса сояда ёки офтобга қарши ўтирган қушга қараганда. Бунинг устига, кўп яқин турларнинг пати, катталиги ва танасининг умумий шакли, масалан, пеночка, мойқут ва тўқайчумчуқларда жуда ўхшашибўлади.



*Тўргайлар – унча катта бўлмаган ва пати ўз муҳитидан ажратиб бўлмайдиган тусли, жуда кўримсиз қушчалар.*

Ҳаракатсиз тўргайну ўт орасида кўриб қолиш қийин. Бироқ, бу оқканотли тўргай парөоз қилса, уни қанотларидағи кенг оқ чизиқларидан аниқлаш осон.

## **КУЗАТИШ ВАҚТИДА ЎЗИНИ ҚАНДАЙ ТУТИШ КЕРАК?**

Ўзингизни шундай тутингки, биринчидан, қушлар безовта бўлмасин, атроф мухит бузилмасин ва, иккинчидан, кузатиш энг яхши тарзда ўтказилсин.

### **Қушлар ва табиатни авайлаш**

#### **Бедвочернинг 12 принципи:**

1. Биринчи навбатда қушларни авайлаш.
2. IVA ва қушларнинг яшаш жойларини асраш.
3. Қушлар учун хавф ва стресс холатларнинг олдини олиш.
4. Қушларнинг ини ва ялпи тунаш жойларидан узокроқда туриш ва бу жойларга киришдан бошқа бедвочерларни огоҳлантириш.
5. Фотосъемкалар ўтказганда камуфляж ва пана жойлардан фойдаланиш.
6. Ноёб ва йўқолиши арафасида турган қушларнинг кўпайиш жойлари топилган ҳолларда, буни барчага ошкор қилмай, мутахассис-орнитологлар ёки ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш органларига хабар қилиш.
7. Атроф мухитга зарар етказмаслик учун, мавжуд бўлган йўл ва сўқмоқлардан фойдаланиш.
8. Ҳайвон ва ўсимликларга зарар етказмаслик, шу жумладан гул термаслик ва ҳашаротларни коллекция учун тутмаслик.
9. Гуруҳ кузатувларида шовқин қилмаслик, бошқа кузатувчиларга ҳалақит бермаслик.
10. Энди бошлаётган бедвочерлар билан билим ва тажриба ўртоқлашиш.
11. Дала кундалигини тутиш ва кузатища олинган маълумотларни қушларни муҳофаза қилиш мақсадида, тегишли одам ва ташкилотларга топшириш.
12. Заруриятдан келиб чиқсан ҳолда, 12 принципга риоя қилмаётган бедвочерларга уларни эслатиб туриш.



## БЕДВОЧЕР САНЬЯТИ

Үзини табиий туваётган қушларнинг иложи борича кўргони кўриш учун, риоя қилиш зарур бўлган бир нечта қоидаларни келтирамиз.

**Суҳбат.** Қушларни кузататеётганда иложи борича шовқин қилманг; шундай қилиб, сиз бошқа нарсаларга чалғимасдан жараённинг ўзига бутунлай бериласиз ва қушларга ҳам озор бермайсиз. Маълумки, қушларни идеал даражада кузатиш сафарга ёлғиз ўзингиз ёки битта шерик билан чиққанингизда ўтказилади. Бедвочерлар гурухи қанча кичик бўлса, улар шунча камроқ сухбатлашадилар ва мос равишда дикқатлироқ бўладилар.



**Қушларга яқинлашиш.** Қушларга яқинлашаётганда кўпол ҳаракат қилманг ва жуда яқин борманг. Акс ҳолда қушлар безовталанади ва учеб кетади. Очиқ жойда турманг. Агар сиз яхши кўринсангиз ва юриб кетаётган бўлсангиз кескин тўхтаманг. Тўғри қушга қараб борманг, қия ёй бўйича юргандек, масофани қисқартириб, уни айланабиб ўтинг.

**Транспортдан кузатиш.** Агарда машинадан қушни кўриб қолсангиз, аввал секин тўхтант ва қушни ойнадан кузатинг. Машинадан дарҳол сакраб тушиш керак эмас. Машинадан чиқишдан олдин дурбин ёки кузатиш трубасини тайёрлаб олинг.

**Қушлардек ўйланг.** Ўзингизни қушларнинг ўрнига қўйинг, уларнинг ўрнида бўлганингизда, ҳозир қаерда бўлишингизни тасаввур қилишга ҳаракат қилинг. Ўзингизни ёмғирли, совуқ ҳаводаги қушдек тасаввур

қилинг. Қаерда бўлиб қолишни хоҳлардингиз? Ўйлаб кўринг ва атрофингизга қаранг. Шубҳасиз, қуруқ, иссиқ ва пана жойда.

**Яшаш жойи.** Сиз бўладиган ҳудудларда иложи борича кўпроқ қушлар яшайдиган жойларни кўздан кечиришга ҳаракат қилинг. Турли яшаш жойларда ўзига хос бўлган яшовчилари бўлади. Қоя ва жарларда, туташган текисликка нисбатан, қушларнинг кўп турларини учратишингиз мумкин, масалан, сой ва дараҳтлар гуруҳи эса, яна бир нечта тур кўшишини эсда тутинг. Қанча кўп жойни бориб кўрсангиз, шунча кўп турларни учратасиз.

**Ёруғлик йўналиши.** Қуёш ёруғлигини ўзингизнинг фойдангизга ишлатинг; қушларга ёруғлик орқангиздан тушаётганда яқинлашинг. Кузатиш вақтида, ҳар доим ёруғлик йўналишини кузатишга ҳаракат қилинг. Бу айниқса сув қушларини кузатаётганингизда муҳим, чунки қарама-карши ёритишда сизга фақат қушнинг шарпасигина кўринади.

**Дала кундалигидан ва қушлар таърифномасидан фойдаланиш.** Кўрганларингизнинг барчаси дала кундалигига қайд этилиши керак. Катталиги, ранги, ўзига хос деталлари, ҳаракатланиш ва товуш услублари, жойнинг характеристикини таърифлаш билан, аниқлашда қийинчилик туғдирган қушлар турларининг расмини чизиб олиш керак. Буларсиз кейинчалик тур номини аниқлаш имкони бўлмайди. Ёзib олгандан кейин аниқлагич, қўшимча расм, интернет-сайт маълумотлари, бедвочер-дўстларингиз ва профессионал орнитологларнинг маслаҳатларидан фойдаланишга яна бир бор ҳаракат қилинг.

Китоблар билан ишлаганда, сиз кўрган қушларнинг оиласи, уларнинг яшаш тарзи, ин қўйиш жойлари ва ҳ.к. билан танишишга ҳаракат қилинг. Бу сизга кейинги кузатишларингизда ердам беради.

**Тайерланган кузатиш.** Бедвочернинг олтин қоидаси – кузатиш тайерланган ва яхши ташкиллаштирилган бўлиши керак.

## Интуиция

Ҳақиқий бедвочер ўзини деярли ҳамма жойда кўрсатади. У қаерда бўлмасин, дўстлари билан далада сайрдами, шаҳардами, қушларга ҳамма ерда кўзи тушади, уларни кузатади, феъл-авторини ўрганади, улар тўғрисида дўстларига ҳикоя қилади, таассуротлари билан ўртоқлашади. “Профессионал” бедвочер учун қушларни кузатиш фақат хобби эмас. У бу ишга шунчалик берилганки, деярли қийналмасдан у ёки бу қушни аниқлай олади. Гўё унда бу ишида ёрдам берадиган, бчи ҳиссиёт ишлаб чиқилган. Мана шундай даражага етиб олсангиз, ўзингизни яхши бедвочер деб ҳисоблашингиз мумкин.

Энди эса энг асосий қоидалардан бири – **шубҳаланинг!!!** Ҳеч қачон, ҳатто қийин ва ўхшаш турларни аниқлагандага ҳам

шубҳаланмайдиган бедвочер – ёмон бедвочердир. Бирорта профессионал орнитолог ҳар қандай учратган күшини 100% ишонч билан аниқлай олмайди, ва бирорта профессионал яна бир бор таърифномага кўз ташлашдан бош тортмайди. Профессионаллик белгиси – шубҳаларнинг бутунлай йўқлиги эмас, балки натижаларни дикқат билан текшириш ва уларнинг муҳокамасига тайёр бўлиш.

### **Ҳиссиётларимиздан фойдаланамиз**

Кўриш ва эшлиши қобилиятимиздан қанчалик моҳирона фойдалана оламиз? Атрофимиизда бўлаётганларни қанчалик қабул қиласиз?

**Кўриш қобилиятимизни ишлатамиз.** Агар кузатиш вақтида фақат олдинга ва оёғингиз тагига қарасангиз, сиз кўп күшларни назардан қочирасиз.

Сафар вақтида доимо атрофга қараш зарур. Сизнинг эътиборингиз сиз кузатиш олиб бораётган ҳудудга боғлиқ ҳолда ўзгариши керак. Агарда сиз ўрмонда бўлсангиз, сиз кўпроқ дараҳт ва буталарни кўздан кечиришингиз керак. Агар очик жой бўлса, кўпроқ осмон ва уфққа қаранг. Кўп күшларнинг парвози деярли шовқинсизлигини унутманг. Кўп йиртқич күшларни осмонни доимий кузатиш орқали кўриш мумкин. У ёки бу ҳудудда ўзини тушиб кўриш қобилиятидан мос равишда фойдаланиш, сизга турларнинг кўп миқдорини кўришга ёрдам беради.

**Эшлиши қобилиятимизни ишлатамиз.** Күшлар овозини ҳамма ерда эшлишимиз мумкин. Барча қүшларнинг овозига қулоқ солинг, қүшларни сайрашидан ажратишга ҳаракат қилинг. Қүшларнинг нотаниш овозларини дала кундалигингизда таърифлаб, улар тўғрисида бошқа бедвочерлар билан маслаҳатлашишингиз мумкин. Қүшлар овозини фарқлаш анча мураккаб. Бу ишда энг муҳими, бошидан овозларни ўрганишга интилиш ва улар бўйича қүшларни аниқлашда доимо маҳоратни ошириш талаб этилади. Айтиб ўтганимиздай, уйда CD да ёзилган овозларни эшишиб боринг, уларни табиаттда эшитганларингиз билан солиштиринг.



## **Олтинчи ҳиссиёт**

Күшларни сезиш – “бедвочернинг олтинчи ҳиссиёти” – кузатувчининг профессионализмидан дарак бериб, бундан буён унинг ҳаёлида қүшлар учун алоҳида маҳсус жой борлигини билдиради! Бедвочер ўзига “бу ерда қүшлар бормикин?” деган саволни бермайди. У уларнинг бўлиши мумкин бўлган жойини беиҳтиёр аниқлайди ва овозларини эшитади. Айнан шундай бедвочердан қизиқ кузатишлар ва янгиликларни кутиш мумкин.

Бироқ кузатишлар сонининг камайиши мана шу олтинчи ҳиссиётнинг йўқолишига олиб келишини эсдан чиқармаслик керак. Яхши бедвочернинг кучли қуроли – қүшлар билан табиатда мунтазам учрашувиdir!

## **Қүшлар ва уларнинг феъл-атворлари**

Яхши бедвочер ҳар хил турдаги қүшларнинг феъл-атвори ва яшаш тарзи тўғрисида етарли даражада кўп маълумотга эга бўлиши керак. Шундай қилиб, шаҳар ёки қишлоқда бўлганда, бу ер учун энг оддий қүшлар – майна, ҳакка ва уй чумчуги эканлигини биламиз. Текисликдаги сув ҳавзаларида сувторғоқ ва қашқалдоқлар кўпроқ учрайди; кўк қарға, куркунак ва бошқалар – тоғ этаги зонасининг энг кўзга кўринадиган қүшларидир. Қисқасини айтганда, бу жиҳатдан пухта билимга эга бўлган бедвочер, қандай ландшафтда бўлмасин, қүшларнинг қайси турларини кўриши керак ва кўриши мумкинligини ҳар доим билади.

Бу билан бирга, кузатиш техникасининг ўзи ҳам қушлар тури ва уларнинг феъл-авторига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Қушларнинг феъл-авторини қанчалик яхши тушунсангиз, кузатишларингиз шунчалик маҳсулдор бўлади.



Сиз учун янги бўлган ҳудудга бўладиган сайрларга тайёрланинг, бу регионнинг қушлари тўғрисида китоблар ўқинг, дастлабки рўйхатлар тузинг – ва ҳар бир сафарингизнинг натижаси умидингизни оқлади!

## АМАЛИЁТ ВА ХОҲИШ: ИДЕАЛ БЕДВОЧЕРНИНГ ОЛТИН ҚОИДАСИ

Экскурсияларга чиқмасдан ва қушларни табиатда кузатмасдан яхши бедвочер бўлиш мумкин эмас. Бедвочернинг мунтазам кузатув ўтказишини спортчининг машқлари билан қиёсласа бўлади. Ёмон машқнинг натижалари, яххисиники каби ўзини куттирумайди.

### Амалиётни қаерда ўтиш керак?

Амалиёт ўтишнинг икки усули бор. Биринчиси – кузатишларни фақат узоқ сафарларда мунтазам ўтказиш, ва иккинчиси – кузатишларни фақат битта маълум ҳудудда ўтказиш. Иккала усул ҳам қушларни ўрганишда сизга ёрдам беради. Бироқ, бедвочер сифатида ўсмоқчи бўлганлар учун иккинчи усул афзалроқ.

Битта худудда олиб борилган күп йиллик кузатувлар қушларнинг яшаш жойлари, уларнинг феъл-атворлари бўйича билимингизни мустаҳкамлайди.

Имкониятингиз борича, сиз яшайдиган худудда энг қизик, бориш осон бўлган жойни аниқланг. Кузатиш жойларига бир ойда албатта бир неча марта чиқинг – қанча кўп бўлса, шунча яхши.

Бу худудда мунтазам равишда кузатишлар олиб борган сари, қушлар бўйича билимингиз кенгайиб бораётганига ишонч ҳосил қиласиз; қушлар овозини яхшироқ ажратада бошлайсиз, бу ерда яқинда пайдо бўлганларини мавжуд бўлганларидан фарқлайсиз. Энди бошлаётган бедвочерлар учун худудларнинг доимий ўзгариши ва қушларнинг турли яшаш жойларига сафарга чиқишилари, қушлар овозини ўрганишда энг яхши вариант эмас.

## СОҒЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК

Сафарда бедвочер ўз соғлигини эсдан чиқармай, хавфсизлик қоидаларига эътибор бериши керак. Дала сафарларида турли ҳавф-хатарларни ёдда тутиш керак. Кўйида оддий, бироқ эътибор бериш зарур бўлган, жуда муҳим қоидалар келтирилган:

1. Сафарда озиқланиш калорияли ва балансланган бўлиши керак. Енингизда доимо сув ёки бошқа суюқликнинг етарлича запаси бўлиши зарур.
2. Агарда сафарингизда тунаш назарда тутилган бўлса, бу мавзуу бўйича ҳудудни ва шароитларни биладиган инсонлардан маслаҳат олинг ва сафарга тўлиқ тайёргарлик кўриб чиқинг.
3. Ёнингизда доимо пичноқ, гугурт ва индивидуал боғлаш пакети бўлиши шарт.
4. Ҳавфли жойларга ёлғиз борманг.
5. Ҳар эҳтимолга қарши, сизга сафарда керак бўлиб қолиши мумкин бўлган бир нечта телефон рақамларини езиз олишни ва мобил телефонингизни олишни унутманг.
6. Кимдир сизни қаердалигингииздан ва қачон уйга қайтишингииздан доимо хабардор бўлиши керак.



## ҚҰШИМЧА

### Дурбин сотиб олиш

Замонавий дурбинлар қуидаги устунликпәрәгэ эга: сирғанишга түсқинлик қиласынан ва зарбага қарши хусусияттарға эга бўлган каучук билан қопланган, сифатли корпус; линзаларга ёруғликни яхши ўтишига ёрдам берадиган ва линзалар терлашининг олдини оладиган қуруқ азот билан ишлов берилган; дурбинга енгиллик берадиган, деталлар аллюминий қотишмадан тайёрланган.

Яхши дурбиннинг асосий сифатлари:

1. Ёмон ёруғлиқда ҳам тасвирнинг етарлича равшанлиги ва кучлилиги
2. Максимал катталаштириш
3. Катта кўриш бурчаги

Дурбин сотиб олишда, унинг қайси хусусиятларига биринчи навбатда аҳамият бериш керак?

**Нарх-сифат нисбати.** Бу эътибор бериш зарур бўлган энг муҳим нарса. Аввало ўзингиз учун дурбин сотиб олишга қанча пул сарфлашга тайёрлигингизни аниқлаб олинг. Ўзингиз учун нархнинг юқори лимитини белгилаб олинг. Биринчи навбатда фойдаланишда дурбин қулайми, йўқми аниқлаб олинг. Қўлда ушлаш қулайми? Созлаш осонми? У енгил ва иҳчамми? Катталаштириш чегараси қандай?

Дурбинда иккита рақамни кўрасиз – А жана В. Дурбиндаги А рақами катталаштириш масштабини англатади, В чиқиш тешигининг диаметри. Объектив – кўздан узоқда бўлган дурбин линзалари, окуляр эса – кўзга яқин линзалар. А ҳарфи ёнидаги рақам дурбин у ёки

бу объектни қанчалик яқинлаштира олишининг нисбатини билдиради. Масалан, 8 рақами, сиздан 100 метр наридаги қушни дурбиннинг 100/8 катталаштириши ердамида 12, 5 м масофада кўра олишингизни билдиради. Карралилиги асосан қўйидагича бўлади: 6, 8, 10, 12, 15, 20, 25, 30.

В чиқиш тешигининг диаметри миллиметрда ўлчанади. Мос равища, у қанча катта бўлса, ўтказиладиган ёруғлик шунча кўп бўлади.

**Чиқиш қорачигининг катталиги.** Амалда бу окулярда пайдо бўладиган тасвирнинг диаметри. У қанчалик катта бўлса, предметларни шунча яхши ажратиш мумкин, айниқса ёмон ёруғлик шароитида. Чиқиш қорачигининг катталигини линза диаметрини карралиликка бўлиш йўли билан аниқласа бўлади. 7x50 дурбин чиқиш қорачигининг катталиги 7.1 мм ( $50 / 7 = 7.1$ )га teng. Мос равища, 10x21 дурбин чиқиш қорачигининг катталиги 2.1мм. Қорачик диаметри, таҳминан, 2мм дан 8мм гача бўлган диапазонда ўзгаради. Узоқ давом этадиган кузатишлар учун, айниқса ёмон ёруғлиқда, чиқиш қорачигининг катталиги 5-7 мм бўлган дурбин керак бўлади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, чиқиш қорачигининг катталиги катта бўлган дурбин яхшироқ. Бу жиҳатдан 7x50 (7.1 мм) дурбинлар энг яхсиси, ихчамлиларидан эса – 7x35 ёки 8x40 (5.0 мм).

**Равшанлик.** А х Вдан квадрат илдиз сифатида аниқланади. Бу рақам қанча катта бўлса, ёмон ёруғлиқда дурбиннинг равшанлиги ва тасвирнинг ёрқинлиги шунча юқори бўлади. Нихоят, агарда бу икки рақам катта бўлиб, нарҳ ва оғирлик каби камчиликларни ҳисобга олмаса, яхши кузатув олиб бориш учун шунинг ўзи етарли.

Масалан: 8x40, 10x40, 10x50 – кузатиш учун энг оптималь.

Энг тарқалган савол, нима афзалроқ, 8x40 ёки 10x50ми? Бу икки дурбиннинг асосий фарқи: 10x объективлар яхши катталаштиради, бироқ равшанлик сифати, айниқса арzon моделларда, ёмонлашади. 10x объективлар қушларни кузатишни қийинлаштиrmайди, бироқ улар билан дараҳтлар орасида қушни тез топиш қийинроқ (бу ҳам бўлса тажрибага боғлик). Уларда тебраниш ҳам кўпроқ сезилади. 8x катталашиб кичикроқ бўлсада, бу бедвочерлар орасида энг машҳур дурбинdir.

<b>Параметрлар</b>	<b>8x40</b>	<b>10x40</b>	<b>10x50</b>
Равшанлик	17,8	20	22,3
Чиқиш қорачигининг катталиги	5	4	5
Ёруғлик кучи	25	16	25
Катталаштириш (100 м дан)	12,5 м	10 м	10 м

### **Штативлар бўйича қўшимча маълумот**

*Мини учоёқ* (тренога)ни баландлик, деворларда ва автомобил устида жойлаштиrsa бўлади. Тренога кузатиш вақтида кузатув трубаси учун идеал енгил штативдир.

*Автомобил ойнасига бириктирилладиган штатив*, эшикнинг ўзига маҳкамланади. Бироқ у заиф, шамол эсганда ёки машиналар ўтганда тебранади.

*Струбцина-қисқичли универсал штатив* шоҳ девор, тўсин ва шу кабиларга маҳкамланади. Фойдаланишда чегараланган.

*Бир оёқли штатив* (монопод) бундай штатив унча мустаҳкам бўлмаганига қарамай, у иҳчам ва уни ишлатиш осон.

### **Дурбин ва телескопга қандай қараш керак?**

Дурбин ва телескоплар учун намлиқ, ифлосланиш, ерга тушиш ва ўғрилар энг катта ҳавф туғдиради!

- агарда имконият туғилса, дурбинингизни турли хатарлардан асрашга ҳаракат қилинг. Дурбинни ҳеч қаерда, ҳатто автомобилингизда ҳам қаровсиз қолдирманг. Маълумки, машина унчалик ҳавфсиз жой эмас!

- дурбинни ифлосланишдан асранг.

- дурбинни қўёш остида қолдирманг. Бу дурбиннинг оптик тизимининг бутунлай ишдан чиқишига олиб келиши мумкин.

- ёмғир вақтида ишлатгандан сўнг, уни яхшилаб қуритинг. Агарда дурбин барибир ҳўл бўлган бўлса, уни илиқ ва қуруқ жойга қуритишига қўйинг. Филофига солманг. Бутунлай қуришини кутинг.

- кийимларингизни алмаштираётib, уларни дурбин устида қолдирманг. Сиз ёки бошқа кимса дурбинни бехосдан пол ёки асфалтга тушириб юбориши мумкин, бу эса дурбин бузилишининг энг кўп учрайдиган сабабларидан биридир.

- дурбинингизни тушиб кетишдан асрай олмаган бўлсангиз, уни ёриклар йўқлигига текшириб кўринг. Буни дурбин сотиб олган жойингизда текширсангиз мақсаддага мувофиқ бўлади. Майда ёриқлар

фақатгина кўришни ёмонлаштириб қолмай, сизнинг кўришингизга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

- линзаларни фақат жуда зарур бўлгандағина артинг. Артиш олдидан линзалар устида, ойнани тирнаши мумкин бўлган, қум ёки майда заррачалар йўқлигига аҳамият беринг. Энг яхшиси чанг тозалайдиган чуткача ёки оддий кичкина резина клизмадан фойдаланганингиз маъқул. Бундан сўнг объективларни объективлар учун мўлжалланган маҳсус қоғоз ёки юмшоқ фланел мато билан артинг.

- агарда объективлар бармоқ излари билан ифлосланган бўлса, бундай ифлосланишларни йўқотиш учун дурбин линзалари учун мўлжалланган маҳсус суюқлик ёки медицина спиртидан фойдаланишга ҳаракат қилинг.

- алмашинувчи окулярлари бўлган кўриш трубаларида, ортиқча чанг тушишининг олдини олиш учун, уларни тез-тез алмаштирганингиз маъқул.

- оптик асборбларни чанг ва ички ифлосланишлар йўқлигига тез-тез текшириб туринг. Улар намоён бўлганда, уларни тозалаш учун сервис-марказларга мурожаат қилган маъқул.

- ўзингиз дурбин ва телескопларни очманг, буни мутахассисларга қўйиб беринг.



## МУНДАРИЖА:

Муқаддима .....	3
Анжом-аслаҳа .....	5
Дурбин .....	5
Күшлар аниқлагиҷи .....	7
Дала кундалиги .....	8
Кузатиш трубаси .....	9
Күшлар овози ва сурати ёзилган CD-дисклар .....	11
Кийим-бош .....	12
Кузатиш объектлари сифатида қүшларнинг ҳусусиятлари .....	14
Кузатиш вақтида ўзини қандай тутиш керак? .....	16
Бедвочер санъати .....	17
Интуиция .....	18
Ўз хиссиётларимиздан фойдаланамиз .....	19
Күшлар ва уларнинг феъл-атвори .....	20
Амалиёт ва хоҳиш: идеал бедвочернинг олтин қоидаси .....	21
Соғлик ва хавфсизлик .....	22
Кўшимча .....	23
Дурбин сотиб олиш .....	23
Штативлар ҳақида кўшимча маълумот .....	25
Дурбин ва телескопга қандай қараш керак? .....	25

## Ўрта Осиё ва Қозогистонда Бедвочерлар клуби

Бутун дунё бўйича IBA ва АҚТҲлар мониторингида ва уларни сақлашда асосан мунтазам равишда кузатишлар олиб боришда, амалий акциялар ва бошқаларда. иштирок этишда бедвочер клублари катта роль ўйнайди.

Ўрта Осиё ва Қозогистонда бу ҳаракат эндиғина шаклланмоқда. 2007 йилда Қозогистон, Ўзбекистон ва Туркманистон олий ўқув юртларида бедводчер клублари ташкил этилди. Ҳозирги вақтда дурбинли ҳакка бирлаштирувчи рамзи бўлган бундай клублардан 15таси мавжуд.

IBA лойиҳаси ва Ўзбекистон күшларни муҳофаза қилиш жамияти (UzSPB) томонидан М.Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий Университетининг биология-тупроқшунослик факултетида, Самарқанд Давлат Университетининг табиий факултетида, Бухоро Давлат Университетининг биология факултетида, ҳамда Қорақалпоқ Давлат Университетининг ва Қўқон Давлат педагогика институти биология факултетларида бедвочер клублари ташкил этилди.

Ўзбекистон күшларни муҳофаза қилиш жамияти клубларни керакли жиҳозлар (палатка, қопкўра, дурбин, кўриш трубаси, GPS, күшларнинг таърифномаси ва бошқа замонавий адабиётлар) билан таъминлайди ва биолог-талабалар учун тренинг, лагер ва конференциялар ўтказади. Клублар уларнинг фаолиятини йўналтирадиган UzSPBнинг ноформал структуравий тузилмалари ҳисобланади.

Талабалар IBA мониторингида ва уларни сақлашда, табиатни муҳофаза қилишини тарғибот қиласиган акцияларда фаол қатнашадилар, ва бу, Ўзбекистон биохилма-хиллигини сақлашга амалий ҳисса қўшиш билан бирга уларнинг профессионал маҳоратини оширишга хизмат қиласади.

**Агарда университетингиз қошида ёки ташкилотингизда UzSPB**

**Бедвочерлар клубини ташкил қилмоқчи бўлсангиз,  
марҳамат, бизга мурожаат қилинг:**

**Ўзбекистон күшларни муҳофаза қилиш жамияти (UzSPB)**

**100095, Тошкент**

**А. Ниязов кўчаси, 1, ЎзР ФА Зоология институти, 89 оғ.**

**Тел./факс: +998 71 2271402**

**<http://www.uzspb.uz>**





ЎЗБЕКИСТОН ІҰШЛАРНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ЖАМИЯТИ

ТОШКЕНТ, 100095, А.НІЯЗОВА КҮЧАСИ, 1

ЎЗРФА ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, 89 ОФ.

ТЕЛ./ФАКС +998 71 2271402

[HTTP://WWW.UZSPB.UZ](http://www.uzspb.uz)